

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ

“АХБОРОТ СОАТИ”
МАТЕРИАЛЛАРИ

Хафтанинг ижтимоий – сиёсий воқеалари
(2016 йил 11-апрелдан 16- апрелгача)

№34

Тошкент – 2016

Яхши кўшничлик ва азалий дўстликка асосланган ҳамкорлик изчил ривожланмоқда

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг таклифига биноан Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев 14 апрель куни амалий ташриф билан мамлакатимизга келди. Ташрифнинг асосий тадбирлари 15 апрель куни Кўксаройда бўлиб ўтди.

Ислон Каримов ва Нурсултон Назарбоев музокаралар чоғида Ўзбекистон ва Қозоғистоннинг турли соҳалардаги ҳамкорлигининг бугунги ҳолати ва уни ривожлантириш истиқболларини муҳокама қилдилар, минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан фикр алмашдилар.

Президентимиз Қозоғистон Президентини юртимизга ушбу ташрифи билан қутлаб, бу олий даражадаги мулоқотларнинг изчил давоми эканини таъкидлади.

– Сизни Ўзбекистонда кўришдан ҳар доим хурсандмиз. Ўзбек ва қозоқ халқлари азалдан яхши кўшни, дўст бўлиб яшаб келган. Бугун мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик ана шу тамойиллар асосида ривожланмоқда. Халқаро вазият тез ўзгариб, тобора мураккаблашиб бораётган ҳозирги кунда бундай дўстлик, ўзаро англашув янада муҳим аҳамият касб этмоқда. Ушбу ташрифингиз томонларни қизиқтирган масалаларни муҳокама этиш учун қулай имкониятдир, – деди Ислон Каримов.

Қозоғистон Президенти Ўзбекистон Президентига таклиф учун миннатдорлик билдириб, мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик барча соҳаларда изчил ривожланаётганини қайд этди.

– Тўғри таъкидлаганингиздек, халқларимиз асрлар давомида ёнма-ён, тинч-тотув ҳаёт кечириб келмоқда. Мустақиллик йилларида биз бу муносабатларни янада мустаҳкамладик. Марказий Осиёнинг етакчи давлатлари бўлган мамлакатларимиз ҳамкорлиги бугун минтақа учун муҳим аҳамият касб этади. Ўзаро муносабатларимизни янада мустаҳкамлаш ва изчил давом эттиришдан манфаатдормиз, – деди Нурсултон Назарбоев.

Мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик 1998 йилда Тошкентда имзоланган Ўзбекистон Республикаси билан Қозоғистон Республикаси ўртасида Абадий дўстлик тўғрисидаги шартнома, 2013 йилда пойтахтимизда имзоланган Ўзбекистон Республикаси билан Қозоғистон Республикаси ўртасида Стратегик шериклик тўғрисидаги шартнома асосида таракқий этмоқда.

Ўзаро ҳурмат, ишонч ва манфаатдорликка асосланган ҳамкорлик давлатлараро, ҳукуматлараро ва идоралараро изчил ривожланмоқда. Икки мамлакат парламентлари ўртасида амалий мулоқот йўлга қўйилган. Ташқи сиёсат маҳкамалари ўртасидаги маслаҳатлашувлар мунтазамлик касб этган.

Мамлакатларимиз БМТ, ШХТ, МДХ, Ислом ҳамкорлик ташкилоти, Оролни қутқариш халқаро жамғармаси каби халқаро тузилмалар доирасида ҳам самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда. Глобал ва минтақавий аҳамиятга молик кўплаб масалалар бўйича томонларнинг позициялари ўхшаш ёки яқиндир.

Икки давлат раҳбарлари Афғонистондаги вазият юзасидан фикр алмашар экан, ушбу мамлакатда тинчлик ва барқарорлик таъминланиши ва иқтисодий тикланишидан манфаатдор эканини таъкидладилар. Афғонистонда ҳарбий куч ишлатиш йўли билан тинчлик ўрнатиб бўлмаслиги, БМТ шафелигида қарама-қарши томонлар ўртасида сиёсий музокаралар ўтказиш ва ўзаро келишувга эришиш энг тўғри ва ягона йўл эканлиги қайд этилди.

Президентлар Марказий Осиёдаги трансчегаравий дарёлар сув ресурслари минтақамизнинг умумий бойлиги бўлиб, халқларимиз фаровонлиги кўп жиҳатдан улардан оқилона ва самарали фойдаланишга боғлиқ эканлигини таъкидладилар. Трансчегаравий дарёларда гидроэнергетика иншоотлари қуриш масаласида БМТ конвенциялари ва бошқа халқаро ҳужжатларда мустаҳкамланган, халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган нормаларига қатъий риоя қилиш зарурлиги қайд этилди.

Таъкидланганидек, Оролни қутқариш халқаро жамғармаси Оролбўйидаги экологик вазиятни яхшилаш ҳамда ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал этишга қаратилган лойиҳа ва дастурларни амалга оширишда муҳим платформа бўлиб хизмат қилмоқда.

Музокарада савдо-иқтисодий, сармоявий ва маданий ҳамкорликни янада ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

Қозоғистон мамлакатимизнинг савдо-иқтисодий соҳадаги муҳим шерикларидан биридир. Ўзбекистон Қозоғистонга мева-сабзавотлар, транспорт воситалари, минерал ўғитлар, қурилиш материаллари ва бошқа маҳсулотлар, турли хизматлар экспорт қилади. Қозоғистондан юртимизга қора ва рангли металлар, ёғ-мой маҳсулотлари келтирилади.

Мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро товар айирбошлаш ҳажми изчил ўсиб бормоқда. 2015 йил якунларига кўра, бу кўрсаткич 3 миллиард доллардан зиёдни ташкил қилган.

Қозоғистонда мамлакатимиз ишбилармонлари иштирокида ташкил этилган 151 корхона фаолият юритмоқда. Юртимизда Қозоғистон капитали иштирокида 206 корхона, шу жумладан, 171 кўшма корхона очилган.

Ўзбекистон Республикаси ва Қозоғистон Республикаси ўртасидаги ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссия ўзаро алоқаларни изчил ривожлантиришга хизмат қилмоқда. Жорий йил 10-11 март кунлари Остона шаҳрида мазкур комиссиянинг 15-мажлиси бўлиб ўтди.

2007-2016 йилларга мўлжалланган Иқтисодий ҳамкорлик стратегиясига мувофиқ савдо, сармоя, транспорт, коммуникациялар, божхона, сув-энергетика ва инновация йўналишларида амалга оширилаётган истиқболли лойиҳалар самараси ўзаро алоқаларга қўшимча суръат бағишламоқда.

Транспорт коммуникациялари соҳаси ҳамкорликнинг устувор йўналишларидан ҳисобланади. Мамлакатларимизнинг автомобиль ва темир йўллари ўзаро интеграциялашган. Бу муҳим коммуникация тармоғи учинчи давлатлар учун ҳам транзит вазифасини ўтамоқда.

Музокарада Ўзбекистон ва Қозоғистоннинг фойдаланилмаган ресурсларини ишга солиш ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириш имконини бериши таъкидланди. Ҳамон давом этаётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида товар айирбошлашнинг ўсувчан динамикасини сақлаб қолган ҳолда унинг ҳажмини янада кўпайтириш, савдо-иқтисодий алоқаларни диверсификация қилиш, экспорт-импорт номенклатурасини кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди. Қўшма корхоналарни кўпайтириш, тадбиркорлар ҳамкорлигини ривожлантириш мамлакатларимиз манфаатларига хизмат қилиши қайд этилди.

Учрашувда ижтимоий соҳадаги алоқаларни кенгайтириш масалаларига ҳам эътибор қаратилди.

Очиқ ва дўстона руҳда ўтган музокарада ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириш истиқболлари белгилаб олинди.

Шу билан Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоевнинг мамлакатимизга амалий ташрифи ниҳоясига етди.

[Ўзбекистон Республикаси Президенти Ҳиндистон раҳбарларига ҳамдардлик билдирди](#)

2016-04-12 | [Сиёсат](#)

2016 йилнинг 11 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов Ҳиндистон Республикаси Президенти Пранаб Кумар Мукержи ва Бош вазири Нарендра Модига Коллам шаҳридаги ибодатхонада ҳиндуйлик янги йилини нишонлаш вақтида юз берган катта ёнғин оқибатида кўплаб инсонлар қурбон бўлгани муносабати билан чуқур ҳамдардлик ифодаланган мактублар йўллади.

Давлатимиз раҳбари ҳалок бўлганларнинг оила аъзоларига ва яқинларига ҳамда жабрланганларга чуқур ҳамдардлик сўзларини билдирди.

[ШХТга аъзо давлатлар делегациялари раҳбарлари билан учрашув](#)

2016-04-15 | [Сиёсат](#)

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов 14 апрель куни Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар Хавфсизлик кенгашлари раҳбарлари, шунингдек, ШХТ Бош котиби ва ШХТ Минтақавий аксилтеррор тузилмаси Ижроия қўмитаси директори билан учрашди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонларни самимий кутлар экан, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти ўзининг ўн беш йиллик фаолияти давомида нуфузли ва самарали халқаро ташкилот сифатида мустаҳкам қарор топганини, унинг фаолияти тинчлик, барқарорлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш, ШХТга аъзо давлатларнинг изчил ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлаш соҳасида ушбу ташкилотга аъзо мамлакатлар олдида турган умумий вазифаларни хал этишга хизмат қилаётганини таъкидлади. Ўзбекистоннинг ташкилотга жорий раислиги даврида аъзо давлатларнинг биргаликдаги ҳаракатлари билан ШХТ доирасида, авваламбор, ҳозирги кундаги хавфсизликка таҳдид ва хавф-хатарларга қарши курашиш борасида кўп қиррали ўзаро манфаатли ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга қаратилган изчил ишлар амалга оширилмоқда. Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгашининг Тошкент шаҳрида ўтадиган навбатдаги юбилей йиғилиши ҳар томонлама мазмунли ва самарали бўлишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон ташаббуси билан 2004 йилда ташкил этилган, ШХТнинг муҳим ва самарали институти бўлган Хавфсизлик кенгашлари котибларининг йиғилиши ташкилот органлари ва механизмлари тизимининг ажралмас қисми бўлиб, ташкилот ҳудудида хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш бўйича томонлар фаолиятини мувофиқлаштириб боришда муҳим вазифани бажариб келмоқда. Давлатимиз раҳбари Шанхай ҳамкорлик ташкилоти мамлакатлари ҳудудида терроризм, экстремизм ва сепаратизм кўринишлари, шунингдек, бошқа таҳдид ва хавф-хатарларнинг олдини олиш, уларни бартараф этиш борасида муҳим қарорлар ишлаб чиқиш ва амалга оширишда ШХТ Минтақавий аксилтеррор тузилмаси ҳам алоҳида ўрин тутаётганини таъкидлади. Қозоғистон, Хитой, Қирғизистон, Россия ва Тожикистон делегациялари раҳбарлари Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар Хавфсизлик кенгашлари котибларининг Тошкентда ўтказилган ўн биринчи йиғилишида муҳокама қилинган масалалар юзасидан фикр билдирди, самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик изҳор этди. Ўзбекистоннинг ШХТга раислиги жараёнида кўплаб соҳаларда минтақавий ҳамкорликни ривожлантиришда ташкилот фаолиятини янада фаоллаштириш бўйича мамлакатимиз амалга ошираётган ишлар катта аҳамиятга эга эканини таъкидлади.

[Қозоғистон Президенти Тошкентга келди](#)

2016-04-15 | [Сиёсат](#)

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг таклифига биноан Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев 14 апрель куни амалий ташриф билан мамлакатимизга келди.

Тошкент халқаро аэропортида олий мартабали меҳмонни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Шавкат Мирзиёев кутиб олди.

Қисқа суҳбатдан сўнг Қозоғистон делегацияси ўзи учун ажратилган қароргоҳга йўл олди.

Ташрифнинг асосий тадбирлари 15 апрелда бўлиб ўтади.

Аввал хабар қилинганидек, мунтазамлик касб этган олий даражадаги учрашувда давлат раҳбарлари Ўзбекистон ва Қозоғистоннинг турли соҳалардаги ўзаро ҳамкорлигининг бугунги ҳолати ва уни ривожлантириш истиқболларини, томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб масалаларни муҳокама қиладилар.

[Ички ишлар вазирлигида учрашув](#)

2016-04-14 | [Сиёсат](#)

Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири А.Аҳмадбоев ШХТга аъзо давлатлар Хавфсизлик кенгашлари котибларининг йиғилишида қатнашиш учун мамлакатимизга келган Хитой Халқ Республикаси Давлат кенгаши аъзоси, жамоат хавфсизлиги вазири Го Шэнкун билан учрашди.

Мулоқот чоғида ўзаро ҳурмат ва ишонч тамойилларига асосланган Ўзбекистон – Хитой муносабатлари турли йўналишларда изчил ривожланиб бораётгани таъкидланди. Бунда икки давлат раҳбарлари учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлаш борасидаги ўзаро ҳамкорликнинг асосий йўналиши турли таҳдид ва хавф-хатарларга биргаликда қарши курашиш бўйича чора-тадбирларни янада фаоллаштиришдан иборатдир. Ўзбекистон ва Хитой минтақада, дунёда хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга муҳим ҳисса қўшаётган Шанхай ҳамкорлик ташкилоти доирасидаги ҳамкорликни ривожлантиришга алоҳида аҳамият қаратмоқда.

Учрашувда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида Ўзбекистонда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, фуқаролар осойишталигини таъминлашга қаратилаётган кенг кўламли ишлар юксак самаралар бераётгани алоҳида қайд этилди.

Тадбирда терроризм, экстремизм ва гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний айланиши билан боғлиқ жиноятларга қарши курашишда ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириш, хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги билан Хитой Халқ Республикаси Жамоат хавфсизлиги вазирлиги ўртасида 2016-2017 йилларда ҳамкорликни янада ривожлантириш тўғрисида Протокол имзоланди.

[Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Минтақавий аксилтеррор тузилмаси Кенгашининг йиғирма саккизинчи мажлиси тўғрисида ахборот](#)

2016-04-11 | [Сиёсат](#)

Тошкент шаҳрида 2016 йил 8 апрель куни Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Минтақавий аксилтеррор тузилмаси (ШХТ МАТТ) Кенгашининг навбатдаги йиғирма саккизинчи мажлиси бўлиб ўтди. Қозоғистон Республикаси раислигида ўтган мажлисда Қозоғистон Республикаси, Хитой Халқ Республикаси, Қирғизистон Республикаси, Россия Федерацияси, Тожикистон Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси вакиллари иштирок этди.

Мажлисда ШХТга аъзо давлатларнинг терроризм, сепаратизм ва экстремизмга қарши курашиш бўйича 2013-2015 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастурини амалга ошириш яқунлари ва ШХТ МАТТ Кенгаши қарорлари ижроси муҳокама қилинди. ШХТ Давлат раҳбарлари кенгашига кўриб чиқиш учун тақдим этиладиган ШХТ МАТТ Кенгашининг мазкур халқаро тузилманинг 2015 йилдаги фаолияти тўғрисидаги маърузаси лойиҳаси маъқулланди. ШХТ МАТТ фаолияти терроризм, сепаратизм ва экстремизм каби ҳозирги кундаги таҳдид ва хавф-хатарларга қарши курашиш борасидаги талабларга жавоб бериши таъкидланди. ШХТга аъзо давлатлар ваколатли органларининг интернет тармоғидан терроризм, сепаратизм ва экстремизм мақсадларида фойдаланиш ҳолатларини аниқлаш ва уларнинг олдини олиш бўйича Хитой Халқ Республикасида ўтказилган “Сяминь – 2015” биргаликдаги ўқув машқлари яқунларига юқори баҳо берилди. Мажлис иштирокчилари ҳозирги кундаги таҳдид ва хавф-хатарлар, жумладан, халқаро террористик ташкилотлар томонидан бўлаётган хуружларга қарши курашиш бўйича қўшма чора-тадбирлар юзасидан келишиб олди. Шунингдек, аҳоли ўртасида диний-экстремистик ғояларга қарши иммунитетни кучайтиришга йўналтирилган ишларни такомиллаштириш масалаларини муҳокама қилди. 2016 йилнинг IV чорагида ШХТга аъзо ва кузатувчи давлатлар делегациялари иштирокида халқаро терроризм ва экстремизмга қарши курашиш соҳасидаги ҳамкорлик масалаларига бағишланган тўртинчи илмий-амалий конференцияни ўтказишга келишилди. 2014 йилда Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгаш котибияти билан расмий алоқалар ўрнатган эди. Мажлисда терроризм, сепаратизм ва экстремизмга қарши курашиш соҳасида шерикликни йўлга қўйиш мақсадида ШХТ МАТТ ва ушбу ташкилот ўртасида ҳамкорликни назарда тутувчи ҳужжатлар лойиҳалари маъқулланди. ШХТ

МАТТ фаолиятини ривожлантириш ва ШХТга аъзо давлатлар ваколатли органлари ҳамкорлигини мустақамлашга қўшган шахсий ҳиссаси учун мазкур давлатлар ваколатли органларининг қатор ходимлари ва ШХТ МАТТ Ижроия қўмитасининг масъул ходимлари рағбатлантирилди. ШХТ МАТТ Ижроия қўмитаси фаолиятини ташкилий ва кадрлар билан, молиявий таъминлаш, ШХТга аъзо давлатларнинг терроризм, сепаратизм ва экстремизмга қарши курашиш соҳасидаги ҳамкорлигининг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштиришга доир масалалар юзасидан қарорлар қабул қилинди. ШХТ МАТТ Кенгаши мажлиси ишчанлик ва амалий руҳда ўтди.

[Жаҳонгир Англияда ғолиб бўлди](#)

2016-04-12 | [Спорт](#)

Халқаро гроссмейстеримиз Жаҳонгир Воҳидов Англиянинг Хэрроу шахрида ўтказилган халқаро турнир ғолиби бўлди.

Швейцарча тизимда ўтказилган тўққиз турдан иборат мусобақада қирқдан зиёд шахматчи баҳслашди. Жаҳонгир Воҳидов польшалик Патрик Станиц, англиялик Маркус Осборн, Жеймс Жексон, Питер Батчелор, АҚШ вакили Тимур Гареев, венгриялик Тамас Фодорни мағлуб этиб, австралиялик Жастин Тан, венгриялик Ференц Беркеш ва англиялик Даниел Гормалли билан дуранг ўйнади. Тўққиз турнинг биронтасида мағлубиятга учрамай, 7,5 очко жамғарган Жаҳонгир Воҳидов мусобақада биринчи ўринни эгаллади.

[Шахматчи қизларимиз Осиёда иккинчи](#)

Шахмат бўйича Ўзбекистон аёллар терма жамоаси Бирлашган Араб Амирликларининг Абу-Даби шахрида ўтказилган “Осиё миллатлар кубоги – 2016” халқаро турнирида кумуш медални қўлга киритди.

Тўққиз турдан иборат мусобақанинг сўнгги турида шахматчи қизларимиз Шри-Ланка вакиллари билан баҳслашди. Нафиса Мўминова ва Севара Боймуродова дуранг натижа қайд этган бўлса, Сарвиноз Қурбонбоева ва Ирина Геворкян рақибларини мағлубиятга учратди – 3:1. Шу тариқа, Ўзбекистон аёллар терма жамоаси жами 22,5 очко тўплаб, қитъамизда иккинчи ўринни эгаллади. Ўзбекистон эркаклар терма жамоаси 22 давлат ўртасида бешинчи ўринни эгаллади. Сўнгги турда терма жамоамиз иорданиялик шахматчиларни 4:0 ҳисобида мағлуб этди. Ушбу баҳсда Марат Жумаев, Алексей Барсов, Акмал Файзуллаев ва Никита Хорошев рақибларига ҳеч қандай имконият қолдирмади.

Ишсизлик даражаси таҳлили

- Шрифт ўлчами
 - [Печать](#)
 - [Эл. почта](#)

Февраль ойида евроҳудуддаги ишсизлик даражаси 0,1 фоиз камайиб, 2011 йилдаги каби 10,3 фоизга тенглашди. Хусусан, бу борада энг яхши кўрсаткич

Германия (4,3 фоиз) ва Чехия (4,5 фоиз)га тегишли бўлди. Аксинча, энг юқори даража Испания (20,4 фоиз) ҳамда Греция (24 фоиз)да кузатилган. Умуман, мазкур минтақада бандлик кўрсаткичи барқарор равишда ижобий томонга ўзгариб бораётгани ҳақида хабар қилинса-да, айти пайтда Европа Иттифоқи давлатлари аҳолисининг 21,6 миллион нафари иш билан таъминланмаган.

Ўтган йилдагига нисбатан кам

Кийим-кечак дўконлари тармоқлари орасида дунё бўйича иккинчи ўринда турадиган “Hennes & Mauritz”(Швеция)нинг жорий йил биринчи чорагидаги даромади 2015 йилнинг шу давридагига нисбатан камайган.

Яъни у ҳисобот даврида 356 миллион евро ишлаб топган. Ваҳолонки, 2015 йилда ушбу кўрсаткич 500 миллион евро ни ташкил этган эди. Март ойида кузатилган совуқ об-ҳаво юқоридаги ҳолатни келтириб чиқаргани айтилмоқда. Айнан ўтган ойда савдо-сотик ҳажми, бор-йўғи, 2 фоиз ўсган.

Инновацион мегаполис

Японияда 2018 йилга бориб навбатдаги замонавий мегаполис — “ақлли” Цунасима пайдо бўлади. Айти пайтда мамлакатдаги ўнта компания ушбу бунёдкорлик ишларида фаол иштирок этапти.

Шаҳарда савдо марказлари, тадбиркорлик субъектлари, илмий-тадқиқот лабораториялари, кўнгилочар масканлар, талабалар учун тураржой барпо қилинади. Маҳаллий аҳоли эса экологик жиҳатдан тоза энергия манбалари асосига қурилган “ақлли” уйларда истиқомат қилади, экомобилларда ўз манзилларига етиб олади.

“Кунчиқар юрт”да бундан аввал яратилган юқоридаги каби ҳудуднинг номи “ақлли” Фужисава эди.

Электр самолётлар яратилади

“Airbus Group SE” авиаконцерни (Франция) “Siemens AG” саноат бирлашмаси (Германия) билан электр токида ҳаракатланадиган самолётлар технологиясини яратиш бўйича ҳамкорлик қилишни режалаштираяпти.

Жумладан, 2020 йилгача авиация учун электр ва гибрид энергия манбалари яратилади. Мазкур жараёнга икки юзга яқин муҳандис жалб этилади.

Лойиҳа муаллифларининг билдиришича, 2030 йилга бориб қисқа йўналишларга қарийб 100 ўринли инновацион самолётлар парвозлари йўлга қўйилади. Бундай тежамкор ҳаво лайнерлари, ўз навбатида, атмосферага чиқариладиган зарарли газларни қисқартиришга ҳам хизмат қилади.

Бебаҳо бойлик қадри

- Шрифт ўлчами
- [Печать](#)

• [Эл. почта](#)

“Соғлом авлодни тарбиялаш — буюк давлат пойдеворини, фаровон ҳаёт асосини қуриш деганидир”.

Давлатимиз раҳбарининг 1994 йил 2 май куни Ўзбекистоннинг илк мукофоти — “Соғлом авлод учун” орденини топшириш маросимида айтган ушбу сўзлари оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, ёш авлодни маънавий ҳамда жисмоний жиҳатдан етук этиб тарбиялаш, уларда Ватанга муҳаббат туйғусини шакллантиришда асосий йўналишни белгилаб берди.

Жорий йилнинг “Соғлом она ва бола йили” деб номланганлигидан кўзланган асосий мақсад “Она ҳамда бола соғлом бўлса, оила бахтли, оила бахтли бўлса, жамият мустаҳкам бўлади”, деган ҳаётбахш қадрият ва олижаноб ғояни янада теран қарор топтиришдан иборатдир.

Чунончи “Соғлом она ва бола йили” Давлат дастурида хотин-қизлар манфаатларини таъминлаш, кучли, барқарор ҳамда фаровон давлат негизи сифатида оила институтини мустаҳкамлашга йўналтирилган қонунчилик ҳамда меъёрий-ҳуқуқий базани янада такомиллаштиришга алоҳида урғу берилган. Шунингдек, тиббиёт ходимлари масъулиятини ошириш, шу асосда туғма ва ирсий касалликлар сонини камайтириш, поликлиникаларни замонавий ташхис кўйиш ускуналари билан жиҳозлаш, тиббий хизмат сифатини юксалтириш, аҳоли ўртасида мустаҳкам оила қуриш ҳамда соғлом фарзанд туғилиши учун никоҳдан олдин тиббий кўрикдан ўтишнинг муҳимлигини тушунтириш борасида кенг кўламли тарғибот ишларини амалга ошириш кўзда тутилган.

Маълумки, ҳар йили 7 апрель Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан “Халқаро саломатлик куни” сифатида нишонланади. Бунда барча тадбирлар дунё халқлари олдида долзарб бўлиб турган ва ўз ечимини кутаётган маълум бир касалликнинг олдини олишга бағишланади. Шу маънода, жорий йилда ушбу сана “Диабетни енгамиз!” шиори остида ўтказилиши режалаштирилган. Негаки, бугунги кунда халқаро миқёсда диабетга чалинганлар сони кўпайиб бормоқда. Маълумотларга кўра, мазкур касаллик йилига 5 — 7 фоиз ўсиши кузатилаяпти. Диабет хавфлилик даражаси юқори бўлган хасталиклар турига киради, юрак-қон томир, буйрак етишмовчилиги касалликларини келтириб чиқаради. У аҳолининг барча ёш қатлами орасида учрайди. Бу семириш ҳамда ортиқча вазн, нотўғри овқатланиш, жисмоний фаолликнинг камайиши билан боғлиқ, деб ҳисобланади. Хасталикнинг икки тури мавжуд. Унинг белгилари чанқаш, мадорсизлик, -асабийлик, тана вазнининг камайиши (одатда, қандли диабетнинг биринчи турида яққол кузатилади), кўнгил айниши (баъзан қайт қилиш), кўриш қобилиятининг бузилиши билан намоён бўлади. Қандли диабетнинг иккинчи турида эса айни шу белгилар узоқ вақт -кузатилмаслиги мумкин.

Мамлакатимизда қандли диабет ва бошқа эндокрин хасталикларнинг олдини олиш ҳамда даволаш учун барча шарт-шароит мавжуд. Чунончи, республикамизда 14 та

эндокринологик диспансер, 488 та эндокринологик хона, шу жумладан, болалар учун 165 та махсус хона ташкил этилган.

Ҳозирги кунда Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт марказида қандли диабетдан азият чекаётган беморларни халқаро талабларга жавоб берадиган юқори технологияли инсулинли помпалар орқали даволашни жорий қилиш ишлари олиб борилмоқда. Мақсад, ушбу хасталикка қарши самарали курашишдир.

Халқимизда: “Касалликни даволагандан кўра, унинг олдини олган маъкул”, деган гап бор. Бунинг учун шифокор маслаҳатига амал қилган ҳолда, ўз саломатлигингизга эътиборли бўлсангиз, кифоя. Зеро, соғлом бўлиш узоқ умр кафолатидир.